**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислигининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 418
14 · 08 2020

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университети;
- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи ......................................................... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ........................................................................................ | 4 |
| 1.1.1. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.................................................................. | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари............................................ | 4 |
| 1.2. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи .................................................... | 4 |
| 1.2.1. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари............................................. | 4 |
| 1.2.2. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.......................................... | 5 |
| 1.2.3. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари............................................. | 5 |
| 1.2.4. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.......................................................... | 5 |
| 2. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар......................................................................................... | 7 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар........................................................................................ | 7 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар........................................................................................ | 7 |
| 2.3. | Касбий квалификациялар...................................................................... | 8 |
| 3. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар........................................................................................... | 8 |
| 3.1. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар............................................................................................................ | 8 |
| 3.2. | *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми................................................................. | 8 |
| | Библиографик маълумотлар...................................................................... | 9 |

## 1. *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

*5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги бўйича магистлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

*5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* – иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, аграр сохада фаолият юритувчи турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, истиқболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2.** ***5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)*** **мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- аграр соҳа корхоналарининг ривожланиш стратегиясини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар тизими;
- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий фаолият самарадорлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш жараёнлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;
- аграр соҳа тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик субъектлари, агрофирмалар, агрокластерлар, корпорациялар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- иқтисод соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни, микро ва макро иқтисодий маконда иқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлил жараёнлари.

**1.2.3.** ***5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)*** **мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иқтисодий фаолият;
- иқтисодий таҳлил ва назорат фаолияти;
- ҳуқуқ-тартибот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4.** ***5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)*** **мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

*5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Молиявий-иқтисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- давлат, маҳаллий ҳукумат хамда аграр сохада турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик субъектлар иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва юритиши борасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- иқтисодиётнинг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва объектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;

- иқтисод соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- хўжалик субъектларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги микро ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни изохлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш;

- аграр сохада бозор муносибатларининг шаклланиши ҳамда иқтисодий қонунларнинг амал қилиниш холатини назорат қилиш, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

- аграр сохада турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик субъектлари иқтисодий фаолиятининг мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда иқтисодий таҳлил ва ички назорат тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

**Ҳуқуқ-тартибот фаолиятида:**

- қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жамият, давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг иқтисодий фаолият хавфсизлигини таъминлаш, турли мулк шаклларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

- аграр сохада фаолият юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва юритиш, иқтисодий таҳлил ва аудитни ўтказишга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиёт соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш.

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий кўрсатмалар хамда статистик маълумотларга таянган холда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режалаштириш, яқин ва узоқ муддатлардаги ривожини башоратлаш;

- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, иқтисод соҳасида рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

- қабул қилинадиган қарорларни иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик мезонлари асосида уларни бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- аграр сохада тармоқлар ва соҳалар бўйича махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобини режалаштириш ва амалга ошириш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича статистик маълумотларнинг иқтисодий тахлилига асосланган математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

## *2. 5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолиятидан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- аграр сохада тармоқ ва соҳалар бўйича хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бозор иқтисодиёти тамойилларини қўллай билиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, аграр соҳа бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- аграр соҳада иқтисодий фаолиятни самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва таҳлилий ишларни бажаришни билиши;

- аграр соҳа ривожини таъминлашга қаратилган стратегик режаларни ишлаб чиқиш, иқтисод соҳасида ечилаётган илмий муаммоларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишни билиш;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- иқтисодий вазиятларга таҳдид солувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш малакасига эга бўлиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий эспертизадан ўтқазишни билиш.

**2.3. Касбий квалификациялар:**

Иқтисодчи, моддий-техника таъминоти бўйича иқтисодчи, молиявий ишлар бўйича иқтисодчи, иш бошқарувчи, суғурта агенти, инвестициялар ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бўлим бошлиғи, шартнома мажбуриятларини назорат қилиш бўлими бошлиги, хизматлар раҳбари, ғазначилик ва молия хизматлари раҳбари, Аккредитация ва текширишни назорат қилиш бўлими бошлиғи, Ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи, лизинг бўйича мутахассис, қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича мутахассис, илмий тадқиқот ишларида мутахассис квалификацияларига эга бўлиши мумкин.

## 3. *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмуиига қўйиладиган умумий талаблар

**3.1. *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган «Умумметодологик фанлар», «Мутахассислик фанлари»

машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

**3.2. *5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| **Ўқув даврлари** | **Кундузги таълим шакли учун*** |
|---|---|
| Назарий таълим ва илмий фаолият | 60 % |
| *Шу жумладан: мустақил таълим* | *30 %* |
| Аттестациялар | 18 % |
| Таътиллар | 6 % |
| Илмий амалиёт (стажировка) | 16 % |

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури, (магистратура дастури) профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, иқтисодий фаолият, иқтисодий таҳлил, ички назорат, аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, фан дастурлари, ишчи ўқув дастурлари, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Ректор________________**Б.А.Сулаймонов**

202_йил «_____» _____________

М.Ў.

**Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор______________________**З. Хакимов**

202_йил «_____» _____________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими**

Бўлим бошлиғи__________**Ш.Жоникулов**

202_йил «_____» _____________

М.Ў.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Ўқув ишлари бўйича

проректор _____________ **М.Эшов**

202_йил «_____» _____________

М.Ў.

**Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти**

Директор___________ **Б.Султонов**

202_йил «_____» _____________

М.Ў.

**_5А230102 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)_ магистратура мутахассислигииинг таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

**Ишчи гуруҳ таркиби**

| т/р | Ишчи гурух раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| **Раис** | | | |
| 1 | Д.Мамадиёров | Агрологистика ва бизнес факультети декани | |
| **Аъзолари:** | | | |
| 2 | Б.Менгликулов | Агрологистика ва бизнес факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари | |
| 3 | М.Саидов | Агрологистика кафедраси мудири | |
| | Р.Дусмуратов | Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлил кафедраси мудири | |
| | Э.Юсупов | Агробизнес ва инвестицион фаолият кафедраси мудири | |
| | З.Кушаров | Ахборот технология ва математика кафедраси мудири | |
| | Х.Саидакбаров | Агрологистика кафедраси доценти | |
| 4 | Ш.Турсунов | Агрологистика кафедраси катта ўқитувчиси | |
| 5 | Ф.Жўраев | Агрологистика кафедраси ассистенти | |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **С.Я.Исламов**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларнинг таълим йўналиши (магистратура мутахассисислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| | Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)* | | Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассисислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари) |
|---|---|---|---|
| | **Шифри** | **номи** | |
| | **5A230102** | **Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти** | Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.<br>Бундан ташқари у:<br>• илмий тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;<br>• ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим;<br>• педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси, илмий тадқиқотда иқтисодий-математик усулларини билиши ва қўллай олиши;<br>• замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив усулларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб боришни;<br>• махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш;<br>• ташкилий-бошқарув моделлари методикасини, бизнес фанларини ўқитишнинг фаол усулларини эгаллаган бўлиши;<br>• илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиш, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиш;<br>• илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий мақолалар тайёрлаш;<br>• иқтисодий соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эга бўлиши;<br>• илмий тадқиқотлар методикасини ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошира билиши; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | • иктисодиётнинг замонавий ютукларини амалиётга татбиқ қилишга йўналган касбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>• Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида, ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;<br>• ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;<br>• замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;<br>• ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилиятига эга бўлиши;<br>• ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;<br>• мутахассислик бўйича ташқи иқтисодий фаолият соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик таҳлиларни амалга ошириш қобилиятиға эга бўлиши лозим. |

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси” бош мутахассиси, и.ф.н.** ____________ **А.Муратов**

**Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти директори, и.ф.д.** ____________ **Б.Ф.Султонов**

**Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан**

**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

**Қибрай тумани** "30" июль 2020 йил

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жоникулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, "Ғалла-Алтег" АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биалогияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги "Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти" бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, "Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик" илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзаков, Самарканд ветеринария медецинаси инситути ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалавриат таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокамаси.

**Сўзга чиқди:** А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни **ижросини таъминлаш мақсадида** Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалавриат таълим йўналишлари, **33 та** магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги

343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гурухлар томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори"га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Эшитилди:** ТДАУ ректори Б.А.Сулаймонов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг таклифлари асосида **25 та** бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимида тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддати 2 йил этиб белгиланади. Бакалавриат таълим йўналишларининг сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан ривожланган хорижий тажрибалар асосида қуйидаги 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалавриат таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалар ишлаб чиқилди:

| № | **Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари** | |
|---|---|---|
| | **шифри** | **номи** |
| | **Бакалавриат таълим йўналишлари** | |
| 1 | 5230100 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5230400 | Маркетинг (қишлоқ хўжалигида) |
| 3 | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) |
| 4 | 5232500 | Логистика (агрологистика) |
| 5 | 5233300 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 6 | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) |
| 7 | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида) |
| 8 | 5320500 | Биотехнология (тармоқлар бўйича) |
| 9 | 5410100 | Агрокимё ва агротупроқшунослик |
| 10 | 5410200 | Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) |
| | *5410200* | *Агрономия (анорчилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (дончилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (пахтачилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (мойли экинлар)* |
| | *5410200* | *Агрономия (шоличилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (ем-хашак экинлари)* |
| | *5410200* | *Агрономия (соя экини агротехникаси)* |
| | *5410200* | *Агрономия (техник экинлар)* |
| | *5410200* | *Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик)* |
| 11 | 5410300 | Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) |

| № | Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари | |
|---|---|---|
| | шифри | номи |
| 12 | 5410400 | Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уругчилиги (экин турлари бўйича) |
| 13 | 5410500 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича) |
| 14 | 5410600 | Зооинженерия (асаларичилик) |
| 15 | 5410600 | Зоинженерия (баликчилик) |
| 16 | 5410800 | Ўрмончилик |
| 17 | 5410900 | Ипакчилик ва тутчилик |
| 18 | 5411000 | Мевачилик ва узумчилик |
| 19 | 5411100 | Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси |
| 20 | 5411200 | Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш |
| 21 | 5411500 | Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини |
| 22 | 5411600 | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик |
| 23 | 5411700 | Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш |
| 24 | 5610300 | Туризм (агротуризм) |
| 25 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) |
| | **Магистратура мутахассисликлари** | |
| 1 | 5А230102 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5А230901 | Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) |
| 3 | 5А232501 | Логистика (агрологистика) |
| 4 | 5А233301 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 5 | 5А310901 | Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) |
| 6 | 5А320501 | Биотехнология (маҳсулот тури бўйича) |
| 7 | 5А410101 | Агротупроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича) |
| 8 | 5А410102 | Агрокимё |
| 9 | 5А410201 | Агрономия |
| 10 | 5А410202 | Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 11 | 5А410203 | Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги |
| 12 | 5А410301 | Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича) |
| 13 | 5А410302 | Энтомология |
| 14 | 5А410303 | Фитопатология |
| 15 | 5А410304 | Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат |
| 16 | 5А410401 | Селекция ва уругчилик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 17 | 5А410501 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича) |
| 18 | 5А410606 | Баликчилик |
| 19 | 5А410801 | Ўрмончилик |
| 20 | 5А410901 | Ипакчилик |
| 21 | 5А410902 | Тутчилик |
| 22 | 5А411001 | Сабзавотчилик ва полизчилик |
| 23 | 5А411002 | Мевачилик |
| 24 | 5А411003 | Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш |
| 25 | 5А411004 | Картошкачилик |
| 26 | 5А411005 | Мева-сабзавотчиликда биотехнология |
| 27 | 5А411101 | Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси |
| 28 | 5А411201 | Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн |
| 29 | 5А411202 | Манзарали богдорчилик |

| № | Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари | |
|---|---|---|
| | шифри | номи |
| 30 | 5А411501 | Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини |
| 31 | 5А411701 | Ҳимояланган ер мева-сабзавотчилиги |
| 32 | 5А411702 | Субтропик ва цитрус мева экинлари |
| 33 | 5А630102 | Экология (қишлоқ хўжалигида) |

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг йиғилиш

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига турдош ОТМларининг таклифлари киритилсин.

3. Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига белгиланган муддатда тақдим этилсин.

**Мажлис раиси** **Б.А.Сулаймонов**

**Котиб** **Д.М.Мустафакулов**

**Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

# КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Қибрай тумани** **"30" июль 2020 йил**

Биз қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдиноов, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, "Ғалла-Алтег" АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биалогияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги "Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти" бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, "Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик" илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ

хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори - С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори - Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори - Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори - Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори - К.Комилов, ТДАУ Нукус филиали директори - Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори - А.Жўраев, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламовлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация-сининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, шунингдек, **25 та** бакалавриат таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари томонидан муҳокамадан ўтказилиб, келишилди.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режаларининг мазмуни билан таништириб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

| № | Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари | |
|---|---|---|
| | **шифри** | **номи** |
| | **Бакалавриат таълим йўналишлари** | |
| 1 | 5230100 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5230400 | Маркетинг (қишлоқ хўжалигида) |
| 3 | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) |
| 4 | 5232500 | Логистика (агрологистика) |
| 5 | 5233300 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 6 | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) |
| 7 | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида) |
| 8 | 5320500 | Биотехнология (тармоқлар бўйича) |
| 9 | 5410100 | Агрокимё ва агротупроқшунослик |
| 10 | 5410200 | Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) |
| | *5410200* | *Агрономия (анорчилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (дончилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (пахтачилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (мойли экинлар)* |
| | *5410200* | *Агрономия (шоличилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (ем-хашак экинлари)* |
| | *5410200* | *Агрономия (соя экини агротехникаси)* |
| | *5410200* | *Агрономия (техник экинлар)* |
| | *5410200* | *Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик)* |
| 11 | 5410300 | Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) |
| 12 | 5410400 | Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича) |
| 13 | 5410500 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича) |
| 14 | 5410600 | Зооинженерия (асаларичилик) |
| 15 | 5410600 | Зоинженерия (балиқчилик) |
| 16 | 5410800 | Ўрмончилик |
| 17 | 5410900 | Ипакчилик ва тутчилик |
| 18 | 5411000 | Мевачилик ва узумчилик |
| 19 | 5411100 | Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси |
| 20 | 5411200 | Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш |
| 21 | 5411500 | Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини |
| 22 | 5411600 | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик |
| 23 | 5411700 | Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш |

| № | Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари | |
|---|---|---|
| | **шифри** | **номи** |
| 24 | 5610300 | Туризм (агротуризм) |
| 25 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) |
| | **Магистратура мутахассисликлари** | |
| 1 | 5A230102 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5A230901 | Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) |
| 3 | 5A232501 | Логистика (агрологистика) |
| 4 | 5A233301 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 5 | 5A310901 | Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) |
| 6 | 5A320501 | Биотехнология (маҳсулот тури бўйича) |
| 7 | 5A410101 | Агротупроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича) |
| 8 | 5A410102 | Агрокимё |
| 9 | 5A410201 | Агрономия |
| 10 | 5A410202 | Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 11 | 5A410203 | Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги |
| 12 | 5A410301 | Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича) |
| 13 | 5A410302 | Энтомология |
| 14 | 5A410303 | Фитопатология |
| 15 | 5A410304 | Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат |
| 16 | 5A410401 | Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 17 | 5A410501 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича) |
| 18 | 5A410606 | Балиқчилик |
| 19 | 5A410801 | Ўрмончилик |
| 20 | 5A410901 | Ипакчилик |
| 21 | 5A410902 | Тутчилик |
| 22 | 5A411001 | Сабзавотчилик ва полизчилик |
| 23 | 5A411002 | Мевачилик |
| 24 | 5A411003 | Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш |
| 25 | 5A411004 | Картошкачилик |
| 26 | 5A411005 | Мева-сабзавотчиликда биотехнология |
| 27 | 5A411101 | Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси |
| 28 | 5A411201 | Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн |
| 29 | 5A411202 | Манзарали боғдорчилик |
| 30 | 5A411501 | Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини |
| 31 | 5A411701 | Ҳимояланган ер мева-сабзавотчилиги |
| 32 | 5A411702 | Субтропик ва цитрус мева экинлари |
| 33 | 5A630102 | Экология (қишлоқ хўжалигида) |

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

| | |
|---|---|
| Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи | Н.Абдуалимов |
| Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи | А.Холиков |
| Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари | Б.Муродов |
| Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси | А.Хаитов |
| Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари | М.Рузметов |
| Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси | Н.Бакиров |
| Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси | Б.Кўчқоров |
| Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси | Н.З. Фахрутдинов |
| “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи | Ш.Абдулазизов |
| “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари | Р.Қурбонов |
| Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори | Н.Э.Нажимов |

| | |
|---|---|
| “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари | Р.Очилов |
| Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори | Ш.Намазов |
| “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори | Б.Холмухаммедов |
| Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори | А.Учаров |
| Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори | А.Хамзаев |
| Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори | Ю.Саимназаров |
| Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти директори | А.Аманов |
| “Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори | Р.Низомов |
| Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори | С.Исламов |

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида 5230100-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бакалавриат таълим йўналиши негизида тайёрланган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талабларига***

## Т А Қ Р И З

Кейинги йиллар мобайнида республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аграр соҳада мавжуд бўлган иқтисодий муаммоларни илмий нуқтаи назардан ечимини топа оладиган юқори малакали мутахассис тайёрлашда, тармоқ ва умуман мамлакат иқтисодиёти учун ҳозирги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади.

Бозор иктисодиёти талаблари ҳамда ривожланган хориж мамлакатларида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг тажрибаларига асосланган ҳолда тайёрланган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талаблари республикамизда етакчи тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалиги учун илмий салоҳиятга эга бўлган юқори малакали мутахассис ва педагог кадрлар етиштириб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Тақризга тақдим этилган мазкур Малака талаблари, жаҳонда етакчи мамлакатлар таълим тизимидаги мавжуд тажрибаси умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш лозим. Янги педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиб, уларни амалиёт билан узвий боғланган ҳолда фанларни ўқитиш юқори малакали иқтисодчиларни тайёрлашда катта самара беради.

5230100-Қишлоқ хўжалиги қтисодиёти бакалавриат таълим йўналиши негизида тайёрланган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талаблари магистрларнинг илмий-тадқиқот ва илмий педагогик ишлари, шунингдек малака амалиётларини ташкил қилиш ва самарали ўтказилишини таъминловчи талаблар келтириб ўтилган. Бундан ташқари мазкур Малака талаблари магистрлик диссертацияларини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилишга қўйилган талаблар ҳам ўз аксини топган. Малака талабларининг яна бир устун жиҳати, унда ўқув жараёнини ўқитилаётган фан профилига мос, таянч маълумот ёки тегишли мутахассисликка мос илмий даражага эга педагог кадрлар томонидан ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида 5230100-Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти бакалавриат таълим йўналиши негизида тайёрланган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талаблари шаклланган ва мазмунан белгиланган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шуни инобатга олган холда мазкур Малака талаблари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва ўқув жараёнларига тадбиқ этиш учун тавсия этиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бошқармаси" бош мутахассиси, и.ф.н.** **А.Муратов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI * DEVONXONA

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида 5230100-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бакалавриат таълим йўналиши негизида тайёрланган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талабларига*

# Т А Қ Р И З

Республикамизда таълим бериш ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар таълим соҳасини, хусусан унинг асосий меъёрий ҳужжатларидан бири бўлган давлат таълим стандартларини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Тақризга тақдим этилган малака талаблари мутахассис тайёрлайдиган магистратура мутахассислиги бўлиб, унинг асосий вазифаси аграр соҳа, хусусан, агрофирмалар; фермер хўжаликлари; агромашсервис корхоналари ва лизинг компаниялари; машина-трактор парклари; тайёрлов-таъминот корхоналари; давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иктисодиёт ва молия бошқармалари; давлат солик тизими органларида ҳисоб ишларини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда илмий-тадкикот муассасаларида фаолият юритувчи малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

5А230102-Қишлок хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг малака талаблари мазмунан қишлок хўжалигида амалга оширилаётган иктисодий ислоҳотлар жараёнининг ҳозирги ҳолати ҳамда соҳага оид энг илгор халкаро тажриба инобатга олинган.

Малака талабларида магистрларнинг молиявий-иктисодий, ташкилий-бошкарув хамда таҳлил ва назорат фаолиятига қўйилган талаблар келтириб ўтилган. Ишлаб чиқилган малака талабининг яна бир устун жиҳати, унда ўқув жараёнида ўқитилаётган фан профилига мос, таянч маълумот ёки тегишли йўналишига мос илмий даражага эга педагог кадрлар томонидан ташкил этилишига алоҳида эътибор каратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадкиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида тайёрланган 5А230102-Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти магистратура мутахассислигининг малака талабларида соҳага оид энг илгор халқаро тажриба ҳамда тармокда амалга оширилаётган иктисодий ислоҳотлар

жараёни инобатга олинган ҳолда, унинг илгари амалда бўлган магистратура мутахассислигининг малака талабларига нисбатан мазмунан бойитилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида тайёрланган 5А230102 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг малака талаблари шаклланган ва мазмунан ўрнатилган талабларга жавоб беради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур малака талаблари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва ўқув жараёнларига татбиқ қилиш учун тавсия этиш мумкин.

*Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти директори, и.ф.д.* *Б.Ф.Султонов*

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида 5230100-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бакалавриат таълим йўналиши негизида тайёрланган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талабларига*

# ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги "Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4421-сонли Қарорида аграр соҳа тармоқларига юксак салоҳиятли кадрлар таёрлаш тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги йўналишларни очиш, магистрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ва таълим сифатини ошириш борасида вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида 5230100-Қишлоқ хўжалиги қтисодиёти бакалавриат таълим йўналиши негизида тайёрланган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талаблари соҳага оид энг илғор халқаро тажриба ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда тайёрланган. Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларини илмий нуктаи назардан таҳлил килиш ҳамда ечимини топа оладиган юқори малакали мутахассис тайёрлашда, тармоқ ва умуман мамлакат иқтисодиёти учун ҳозирги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади.

5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган мазкур Малака талаблари мазмунан 5230100-Қишлоқ хўжалиги қтисодиёти бакалавриат таълим йўналиши учун таёрланган Малака талабининг мантиикий давоми бўлиши билин бир қаторда бакалавриатда ўкитиладиган фанлар ва мавзуларнинг магистратурада такрорланмаслиги каби холатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Юқорида қайд этиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва Тошкент давлат аграр

университети ҳамкорлигида 5230100-Қишлоқ хўжалиги қтисодиёти бакалавриат таълим йўналиши негизида тайёрланган ҳамда тақризга тақдим этилган 5А230102 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислигининг Малака талаблари ўзининг моҳияти, мазмуни ва расмийлаштирилишига кўра ўрнатилган талабларга жавоб беради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур Малака талабларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва ўқув жараёнларига тадбиқ этиш учун тавсия этаман.

***ТДАУ Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори, и.ф.д., профессор*** ***А.Маматқулов***

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш "Аграр, ўрмон, баликчилик хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалигида менежмент" ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 4 -сонли**

**БАЁННОМАСИ**

"5" август **2020 йил** **Қибрай тумани**

**Қатнашдилар: Бирлашма раиси**–Б.А.Сулаймонов

**Аъзолари**: ТошДАУ, ТИҚХММИ, СамВМИ, АндҚХАИ, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ўқув-услубий бошқарма (бўлим) бошлиқлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва таклиф этилганлар

**Ўқув-услубий бирлашма котиби:** Ўқув-услубий бошқармаси ўқув ишлари бўйича инспектори Д.М.Мустафакулов

Ўқув-услубий бирлашманинг 38 нафар аъзоларидан 31 нафари ҳамда таклиф этилганлар 7 нафар.

**К У Н  Т А Р Т И Б И:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, "Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация-сининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги "2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида"ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалавриат таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларининг муҳокамаси.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси Б.А.Сулаймонов:**

1. Ҳаммангизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги "Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4795-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич **25 та** бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича таълимнинг кредит-модуль тизимида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини 2 йил этиб белгиланади. Бакалавриат таълим йўналишларининг сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, шунингдек, 25 та

бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва берилган таклифлар асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқдилар:** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори К.Комилов, ТДАУ Нукус филиали директори Э.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори А.Жўраев университет профессорлари Х.Атабаева, Р.Дусмуратов, Х.Кимсанбоев, У.Норкулов, доцентлар З.Юлдашева, А.Хакимов, М.Атабаевлар сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 30 июлда қабул қилинган ПҚ-4795-сонли қарори республикамизда аграр таълим тизимини янада такомилаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳаси учун юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, кадрлар истеъмолчиларининг талаблари асосида тор мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини тартибга солиши ҳамда ўз вақтида қабул қилинган қарор эканлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори С.Исламов-** Университет ишчи гуруҳлари томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар бўлган реал эҳтиёжлари, уларнинг касбий малака ва тажрибасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида таклифлари ва фикрлари-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқилди. Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Япония, Хитой, Корея, Индонезия, АҚШ, Германия, Англия каби ривожланган хорижий давлатларнинг энг илғор тажрибасилари чуқур ўрганилди.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, ТДАУнинг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва

корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан экспертизадан ўтказилди:

| № | **Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари** | |
|---|---|---|
| | **шифри** | **номи** |
| | **Бакалавриат таълим йўналишлари** | |
| 1 | 5230100 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5230400 | Маркетинг (қишлоқ хўжалигида) |
| 3 | 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида) |
| 4 | 5232500 | Логистика (агрологистика) |
| 5 | 5233300 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 6 | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) |
| 7 | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида) |
| 8 | 5320500 | Биотехнология (тармоқлар бўйича) |
| 9 | 5410100 | Агрокимё ва агротупроқшунослик |
| 10 | 5410200 | Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) |
| | *5410200* | *Агрономия (анорчилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (дончилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (пахтачилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (мойли экинлар)* |
| | *5410200* | *Агрономия (шоличилик)* |
| | *5410200* | *Агрономия (ем-хашак экинлари)* |
| | *5410200* | *Агрономия (соя экини агротехникаси)* |
| | *5410200* | *Агрономия (техник экинлар)* |
| | *5410200* | *Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик)* |
| 11 | 5410300 | Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича) |
| 12 | 5410400 | Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги (экин турлари бўйича) |
| 13 | 5410500 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича) |
| 14 | 5410600 | Зооинженерия (асаларичилик) |
| 15 | 5410600 | Зоинженерия (балиқчилик) |
| 16 | 5410800 | Ўрмончилик |
| 17 | 5410900 | Ипакчилик ва тутчилик |
| 18 | 5411000 | Мевачилик ва узумчилик |
| 19 | 5411100 | Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси |
| 20 | 5411200 | Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш |
| 21 | 5411500 | Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини |
| 22 | 5411600 | Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик |
| 23 | 5411700 | Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш |
| 24 | 5610300 | Туризм (агротуризм) |
| 25 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида) |
| | **Магистратура мутахассисликлари** | |
| 1 | 5A230102 | Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) |
| 2 | 5A230901 | Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида) |

| № | Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари | |
|---|---|---|
| | шифри | номи |
| 3 | 5А232501 | Логистика (агрологистика) |
| 4 | 5А233301 | Агробизнес ва инвестицион фаолият |
| 5 | 5А310901 | Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) |
| 6 | 5А320501 | Биотехнология (маҳсулот тури бўйича) |
| 7 | 5А410101 | Агротупроқшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича) |
| 8 | 5А410102 | Агрокимё |
| 9 | 5А410201 | Агрономия |
| 10 | 5А410202 | Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 11 | 5А410203 | Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги |
| 12 | 5А410301 | Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича) |
| 13 | 5А410302 | Энтомология |
| 14 | 5А410303 | Фитопатология |
| 15 | 5А410304 | Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат |
| 16 | 5А410401 | Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳлари бўйича) |
| 17 | 5А410501 | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича) |
| 18 | 5А410606 | Балиқчилик |
| 19 | 5А410801 | Ўрмончилик |
| 20 | 5А410901 | Ипакчилик |
| 21 | 5А410902 | Тутчилик |
| 22 | 5А411001 | Сабзавотчилик ва полизчилик |
| 23 | 5А411002 | Мевачилик |
| 24 | 5А411003 | Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш |
| 25 | 5А411004 | Картошкачилик |
| 26 | 5А411005 | Мева-сабзавотчиликда биотехнология |
| 27 | 5А411101 | Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси |
| 28 | 5А411201 | Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн |
| 29 | 5А411202 | Манзарали боғдорчилик |
| 30 | 5А411501 | Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини |
| 31 | 5А411701 | Ҳимояланган ер мева-сабзавотчилиги |
| 32 | 5А411702 | Субтропик ва цитрус мева экинлари |
| 33 | 5А630102 | Экология (қишлоқ хўжалигида) |

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг йиғилиш

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйругида белгиланган вазифаларни

ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўгрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига турдош ОТМларининг таклифлари киритилсин.

3. Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилсин.

**Мажлис раиси** **Б.А.Сулаймонов**

**Котиб** **Д.М.Мустафакулов**

**5А230102 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги малака талабларини ишлаб чиқилишига**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5А230102 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислиги малака талабларни ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3151-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4795-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги PA1/1-25 сонли топшириғи;

“Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4795-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилида кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисидаги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда магистратура мутахассислиги битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган. Янги малака талаби бўйича магистратурада “Мутахассислик фанлари” блокининг ҳажми умумий юклама ҳажмида 56% ни, “Танлов фанлари” блокининг ҳажми 44% ни ташкил этди. Магистратурада назарий таълим билан ишлаб чиқаришни боғлаш учун илмий амалиёт (стажировка) муддатлари 16 ҳафта белгиланди.

Ушбу малака талаби “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларини, шунингдек, таълим-тарбияга йўналтирилган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламада оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезоналари ва тартибларини белгиланган меъёрий қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабининг қулайлиги-унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамия касб этди.

5А230102 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида) магистратура мутахассислигига тажрибада текширувдан ўтган таълим, ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамия эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви шароитида кадрлар истеъмолчиларнинг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишга тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларнинг узвийлиги таъминланди.

**Ўқув ишлар бўйича проректор** **С.Я.Исламов**

*5230100 - Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А230102- Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти магистратура мутахассислиги малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибалардан фойдаланилганлиги ҳақида*

## МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу таълим соҳасининг малака талаблари лойиҳаларини ишлаб чиқишда Буюк Британия (Оксфорд университети), АҚШ (Стандворд университети), Жанубий Корея (Сеул миллий университети), Германия (Дортмунд университети) ва бошка хорижий мамлакатлар олий ўкув юртларида мутахассисликлари учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

Бу малака талаблари лойиҳаларини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлардаги иктисодиёт учун кадрлар тайёрлаш вактининг кўп кисми малака амалиётини ўтказишга ажратилганлиги ҳисобга олинган.

Иктисодиёт учун кадрлар тайёрловчи хорижий университетларнинг кўпида магистратура талабалариники 2 йил деб белгиланганлигини ҳисобга олиб, малака талаблари лойиҳасида олдинги ўкиш муддатларига мувофик равишда 2 йил деб колдирилди.

Хорижий иктисодиёт ўкув юртларида магистратура талабалари илмий-тадкикот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, малака талаблари лойиҳасида (олдинги авлод стандартидагидек) илмий-тадкикот фаолияти ҳам мўлжалланган. Бундан ташкари, янги касбий фаолият тури - лойиҳа-технологик фаолияти кўшилган.

Илгор хорижий мамлакатлардаги иктисодий олий таълим муассасаларида ўкитиладиган фанлар номини ҳисобга олиб, малака талаблари лойиҳасида фан блоклари таркибининг баёни янгиланди.

Хорижий мамлакатларда олий иктисодий таълим талабаларга келгуси ишлари хусусиятидан келиб чикиб, уларнинг танлови бўйича фан ўрганиш имко-

ниятини бериш, яъни таълимни демократлаштиришни назарда тутишини эътиборга олиб, ушбу малака талаблари лойиҳасида танлов фанлари ҳажми олдинги авлод малака талабларига нисбатан оширилган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари буйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида, ушбу малака талаблари лойиҳаларида бакалавриат ва магистратура талабалари учун мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказилиши мўлжалланган.

**Тошкент давлат аграр университети**
**ўқув ишлари бўйича проректори** **С.Я.Исламов**